# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 135 (8.870) ◆ 1996 йил ◆ 13 ноябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


# ПРЕЗИДЕНТ БЕЛЬГИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 ноябрь куни Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан Люк Деханенинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.***

— Бельгия, гарчанд жуғрофий жиҳатдан катта ҳудудга эга мамлакат бўлмаса-да, жаҳондаги энг ривожланган ўнта давлатдан биридир, — деди Президент Ислом Каримов сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида. — Шу боис Ўзбекистон билан бу мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг тараққий топиши республикамиз ҳамда Европа Иттифоқини янада яқинлаштиради. Сафаримиз давомида Бельгия Қироллиги билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш, жумладан, экспорт ва импорт маҳсулотларига икки томонлама солиқ солмаслик, банклараро муносабатларни йўлга қўйиш, Тошкент билан Бельгия авиақатновини ташкил этиш каби муҳим ҳужжатлар имзоланади.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов кузатиб қолди.

*(ЎзА).*

# ЎЗБЕК ЗАМИНИДАГИ ҚИЗҒИН УЧРАШУВЛАР

***Хабар қилиб ўтганимиздек, Уэльс шаҳзодаси Чарльз ҳазрати олийлари Ўзбекистонга тўрт кунлик сафар билан ташриф буюрди.***



Британия қироллигининг вориси мамлакатимизга ўз ташрифини Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг Ўзбекистондаги элчихонасига ташрифи билан бошлади. Қарор топган анъанага кўра, инглизлар ноябрь ойида иккинчи жаҳон уруши жангларида ҳалок бўлган жангчиларни хотирлайдилар. Юксак мартабали меҳмон Буюк Британиянинг Тошкентдаги элчихонасида бўлиб ўтган жангчиларни хотирлаш маросимида иштирок этди.

Чарльз ҳазрати олийлари шунингдек Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари бўлмиш Бухоро ва Самарқандни ҳам зиёрат этди. Шаҳзоданинг эътироф этишича, «Шарқ жавоҳирлари» бўлмиш ушбу шаҳарлар унда бир умрга ўчмас таассуротлар қолдирган ва унинг ёдида бир умрга сақланиб қолади.

Юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистонга ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари, Президентимиз Ислом Каримов қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ислом Каримов шаҳзоданинг Ўзбекистонга ташрифи катта воқеа бўлганини, бу сафар мамлакатимизга, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятига эътибор нишонаси эканлигини таъкидлади. Юртбошимиз Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар ҳақида тўхталар экан, қисқа муддат ичида ўзаро алоқаларнинг ҳуқуқий асослари яратилганини ва у ҳамкорлик ривожи учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини қайд этди.

Ўз навбатида Чарльз ҳазрати олийлари Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар учун барча омиллар борлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Кеча Уэльс шаҳзодаси Чарльз ҳазрати олийлари Тошкентнинг Гоголь кўчасидаги кўҳна бинолардан бирида жойлашган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг янги элчихонаси очилиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда қатнашди. Элчихона очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов, Бош вазир ўринбосари Виктор Чжен, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов. Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқа расмий кишилар қатнашди. Юксак мартабали меҳмон Буюк Британия кенгашининг Тошкентдаги ваколатхонаси очилиши маросимида ҳам ҳозир бўлди, шунингдек. Гидрометеорология бош бошқармасига, Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди.

Кеча Уэльс шаҳзодаси Чарльз ҳазрати олийлари Тошкентдан жўнаб кетди.

*СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Уэльс шаҳзодаси Чарльз ҳазрати олийларини қабул қилиш пайти.*

*Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган сурат.*

## Тошкент — Берлин:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ КЕНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**3-7 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ КОЗИМ ТЎЛАГАНОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ БЕРЛИН ШАҲРИ БУРГОМИСТРИ ЭБЕРХОРДТ ДИПГЕННИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИДА РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН БЎЛДИ**

Ушбу ташриф давомида Козим Тўлаганов билан Эберхордт Дипген икки давлат пойтахтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳволи ва истиқболларини муҳокама этдилар, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида узоқ муддатли алоқаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олдилар. Тошкент ва Берлин шерик шаҳарлар сифатида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорликни амалга ошириши тўғрисида принципиал аҳдлашувга эришилди.

Икки пойтахт раҳбарлари томонидан кўп томонлама ҳамкорлик соҳасида имзоланган шартнома лойиҳасида Тошкент билан Берлин шаҳарларини ривожлантириш, минтақавий режалаш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш, иқтисодиётни тараққий эттириш ва иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашиш каби масалалардаги халқаро тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш давомида ахборот айирбошлаш амалиётини фаоллаштириш кўзда тутилади.

Бирлашган Германия пойтахти кейинги йилларда халқаро майдонда тобора фаол роль ўйнаётганлиги омили ҳисобга олинадиган бўлса, бу ниҳоятда долзарблиги янада аён бўлади. Берлин нафақат Европа миқёсида, балки жаҳон даражасида улкан тадбирлар ўтказиладиган жойга айланиб боряпти. Шу маънода 1995 йил апрелида Берлин 1992 йилда Рио-де-Жанейрода қабул қилинган об-ҳаво конвенциясини амалга оширишга бағишланган навбатдаги об-ҳаво анжуманини ажойиб ташкил этганлигини ёдга олиш кифоядир. Қатор йиллар давомида Берлин йирик сайёҳлик биржалари ўтказиладиган жой сифатида халқаро сайёҳликни ривожлантириш марказларидан бирига айланяпти.

Кейинги йилларда Берлин замонавий шаҳарнинг меъморчилик, ижтимоий-иқтисодий қиёфасини қисқа муддатда тубдан ўзгартириш юзасидан оқилона ва ижодий режалаштириш ишларини амалга оширган ўзига хос лаборатория, кўргазмахонага айланди. Бу ўринда Германия ғарбий ва шарқий қисми бирлашиши натижасида Берлин ҳудуди ҳам, аҳолиси ҳам икки бараварга кўпайганлигини эслатиш ўринлидир.

Бу соҳада Тошкент шаҳри ҳам фахрлана олиши, демак ўз тажрибаси билан ўртоқлашиши мумкин. Ўзбекистон пойтахтида турмушнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ўзгартишларнинг суръатлари ва моҳияти немис расмий доиралари, амалий, илмий ва жамоатчилик вакиллари фикрича ғоят таъсирчандир. Улар нақадар қисқа муддатларда амалга оширилганлиги ҳамда Ҳамдўстлик баъзи давлатлари пойтахтлари билан таққослаб кўрилганда янада улканроқ таассурот қолдиради. Германия расмий, амалий ва жамоатчилик доиралари Тошкент шаҳар ҳокими билан бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашувларда буни алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Тошкентда кейинги йилларда бир қатор жуда йирик халқаро ва минтақавий миқёсдаги тадбирларнинг ўтказилганлиги Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг халқаро майдондаги роли ва аҳамияти ортиб бораётганлигидан ёрқин далолат беряпти.

Натижалари шартнома лойиҳасида ўз ифодасини топган музокараларда икки шаҳар раҳбари иқтисодиёт ва савдо, фан ва техника, халқ таълими ва маданият каби соҳаларда икки тарафлама ҳамкорликни бутун чоралар билан ривожлантириш ниятларини ифода этдилар.

Иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик икки шаҳарда саноат ва савдо корхоналарини жойлаштириш, экспорт-импорт кооперация битимлари тузишда воситачилик қилиш, трансфер, қўшма корхоналар ташкил этишга кўмаклашиш каби устувор йўналишларни қамраб олиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари молия ва банк фаолияти, шунингдек, сайёҳлик бизнеси соҳаларида алоқаларни чуқурлаштириш муҳимлиги эътироф этилди. Томонлар Ўзбекистон ва Германия иқтисодий бирлашмалари, савдо-саноат палаталари ўртасидаги ҳамкорликни, шунингдек, Тошкент ва Берлинда савдо уйлари ташкил этишни жадаллаштиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликлари тўғрисида якдил фикр билдирдилар.

Шаҳар хўжалигини режалаш ва уни бошқариш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан аниқ устувор йўналишлар белгилаб олинди. Тошкент шаҳар делегацияси Германиядаги тозалаш ишлари ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан машғул қатор корхоналар, фавқулодда ҳолатлар хизматлари иш амалиётини ўрганди. Ўзбекистон пойтахти вакиллари немис шерикларининг шаҳарларни режалаш ва ривожлантириш, замонавий шаҳар инфратузилмасини ташкил этиш, йўл қурилиши каби соҳаларда икки тарафлама асосда тажриба ва ахборот айирбошлаш, табиий офатлар ва фалокатлар рўй берган тақдирда зарур тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш ниятларини қўллаб-қувватладилар.

Соғлиқни сақлашни ривожлантиришда тажриба ва ахборот айирбошлаш икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналиши сифатида эътироф этилди.

Тошкент ва Берлин жаҳон маданиятининг йирик марказлари сифатида маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни кучайтиражаклари таъкидлаб ўтилди. Томонлар, жумладан, ўз имкониятлари даражасида артистлар, театр ва мусиқа жамоаларининг, халқ амалий санъати усталарининг сафарларини ва чиқишларини ташкил этишга кўмаклашишга келишиб олдилар. Яқин вақт ичида ҳар икки пойтахтда маданият кунлари, фильмлар фестиваллари, бадиий кўргазмалар ўтказиш мўлжаллаб қўйилди.

Тошкент билан Берлин университетлари, институтлари, мактаблари ўртасидаги бевосита алоқани қўллаб-қувватлаш, илмий ходимлар, аспирантлар, студентлар ва мактаб ўқувчилари билан фаол айирбошлашни амалга оширишга кўмаклашиш энг муҳим вазифалардан бири, деб кўрсатилди.

Ташриф давомида Тошкент шаҳри делегация аъзолари Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдираётган қатор фирма ва компаниялар вакиллари билан учрашдилар. Делегация немис тадбиркорлари билан ана шундай иккита учрашувни Берлинер Банк ва Даймлер-Бенц ёрдамида ўтказди.

Немис томони «Ялла» ансамбли концертларини ҳамда ёш ўзбек мусаввирлари Г. Ардураҳмонова ва М. Антонов кўргазмасини илиқ қарши олди.

*Муҳаррир устуни*

# ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИРИ — ЎЗИМИЗНИНГ ҚЎЛИМИЗДА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирокида халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятлари кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтди. Уларда нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари ушбу вилоятларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишда эришилган муваффақиятларни ҳам, йўл қўйилаётган хато ва нуқсонлар, ислоҳотлар йўлидаги ғовларни ҳам кўрсатиб берди.

Ҳа, ўз давлат мустақиллигининг олтинчи йилига қадам қўйган Ўзбекистон улкан ўзгаришлар мамлакатига айланди. Ўтиш даврининг ҳамма мураккабликларига қарамасдан жаҳон саноати етакчилари билан рақобатлаша оладиган Асакадаги автомобиль заводидек корхоналар барпо этилмоқда. Яқин вақт ичида унинг ёнига Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш, Тўйтепадаги тўқимачилик улкан корхоналари қўшилади. Бошқа кўпгина вилоят ва шаҳарларда энг замонавий техника ва технологияга асосланган, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган катта-кичик корхоналар иш бошлаяпти. Ўзбек олтини, кумуши, миси, пахтаси каби уларда тайёрланган маҳсулотлар ҳам хорижда маълуму машҳур бўлишига умидимиз катта.

Ҳамдўстликдаги кўпгина қўшниларимиз тубсиз иқтисодий танглик жари ёқасида турган бир пайтда республикамизда мисли кўрилмаган ободончилик ишлари авж олган. Кундан кунга чирой очаётган шаҳар ва қишлоқларимиз, Ғарбнинг энг тараққий этган давлатларидагидан қолишмайдиган бетакрор ва мафтункор бинолар Истиқлолнинг беқиёс бунёдкорлик куч-қудратининг ёрқин тимсолларига айланяпти.

Чуқур ислоҳотлар йўлидаги одимларимиз нақадар дадил ва шахдам бўлмасин, тараққиётнинг ўзбекча модели дунё томонидан тўла эътироф этилмасин, бизнинг ўзимиз ҳали ишларимиздан тўла қаноат ҳосил қилмаётганимизни, ҳамма соҳаларда камчиликлар кўплигини тан оляпмиз.

Бу, айниқса, иқтисодиётимизнинг етакчи ва устувор соҳаси — қишлоқ хўжалигига кўпроқ тааллуқли.

Тармоқда ислоҳотлар оқсаяпти, замонавий илғор иш услублари оммалашмаяпти, мулкчилик шакллари кўп ҳолларда фақат қоғозда ўзгарган. Қишлоққа саноатнинг кириб келиши ҳамон пайсалга солинаётганлиги сабабли бу ерларда иш билан бандлик муаммоси ўткирлигича қолмоқда. Қишлоқ инфратузилмасини тубдан ўзгартириш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Деҳқон ва фермерлар маънавиятини ошириш, уларга муносиб турмуш шарт-шароитларини яратиш учун жуда кўп иш қилиниши керак.

Мазкур вилоятлар сессияларида бу борадаги нуқсон ва камчиликлар очиб ташланди. Президентимиз ислоҳотлар бўғинидаги ана шу заиф ҳалқалар ҳақида гапирар экан, асосий эътиборни бу масалада раҳбар кадрларнинг масъулиятига, уларнинг малакаси, тажрибаси, фидойилиги, ҳалоллиги масалаларига қаратди. Давлатимиз раҳбари алоҳида уқтирганидек, бошқарув тизимини такомиллаштириш бевосита раҳбар маънавияти, унинг шахс сифатидаги камолоти, етук ва комил инсонлиги билан боғлиқ бўлиб қолди. Раҳбарнинг ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги, мутахассислиги, малака ва савиясига ижтимоий ҳолат варақасидаги маълумотларга қараб эмас, балки бу раҳбарнинг иродаси бақувватми, имони бутми, керак бўлса ўз манфаатини бутунлай унутиб, бошқаларнинг манфаати, юрт фаровонлиги учун ҳаловатидан воз кечиб, бутун кучини, бутун борлиғини бахш этишга, фидо этишга тайёрлигига қараб баҳо берилиши керак.

Вилоят сессияларида айтилганидек, ислоҳотларни амалга оширишдаги оқсоқликнинг асосий сабабларидан бири раҳбарларнинг ўзлари уларнинг моҳиятини тўла тушуниб етмасликларидир. Бунинг оқибатида мулкчилик шаклларини ўзгартиришда ҳам, ишни янгича ташкил этишда ҳам расмиятчилик ҳоллари кўп учрайди. Моҳият жиҳатидан туб ўзгартиришлар бўлмагач, эски тос эски тослигича қолавериши табиийдир.

Бу шаҳримиздаги қатор корхона ва ташкилотлар раҳбарларига ҳам тааллуқлидир. Улар боқимандачилик, юқоридан кўрсатма кутиб ўтириш касалидан ҳанузгача фориғ бўла олмаётганликлари сабабли ишлари олға босиш ўрнига орқага кетяпти, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳоллари пасаймоқда, тайёрлаган моллари ҳам омборларда ўтмас матоҳ бўлиб чанг босиб ётипти. Янада ачинарлиси, мулк шакли ўзгартирилиб қоғозда ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган корхоналарда ишда бирор янгилик сезилмаяпти. Шундай экан, давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаётганликларидек, билимли, истеъдодли, фидойи ёшларни раҳбарлик лавозимларига дадил кўтариш, уларга энг масъулиятли ишларни ҳам ишониб топшириш лозим.

Ислоҳот нафақат раҳбарлар, балки барча одамлар онгидаги ўзгаришдир. Улар янгича фикрлай олгандагина янгича ишлай оладилар. Бу оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам жуда катта масъулият юкламоқда. Улар бугунги куннинг долзарб вазифаларини ҳар бир замондошимиз онгига ва қалбига етказишлари зарур.

Президентимизнинг уч вилоят кенгаши сессияларида сўзлаган нутқларида баён этилган кўрсатмаларни изчил бажариш ислоҳотларни янада жадаллаштириш, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишнинг омилидир.

# БУГУНГИ КУН НАФАСИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 ноябрь куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Москва ва Бутун Русия патриархи Алексий II ни қабул қилди. Алексий II кеча Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ҳам ташриф буюрди. Бугун у Бишкекка боради.

• Кеча Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Тошкентдаги минтақавий ваколатхонасида «Эркин иқтисодий ҳудудлар ва Ўзбекистонда уларни ривожлантиришда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўрни» мавзуидаги семинар ниҳоясига етди.

• Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ шаҳрида кенг расталари ва юздан ортиқ дўкони бўлган катта бозор очилди.

• Андижон механика заводида плёнка остига чигит экишга мослаштирилган сеялкани ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда 1997 йил экин мавсумигача 3 мингта ана шундай сеялка ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

• Бухорода «Камолот» жамғармаси ташаббуси билан белорус ва туркман ёшлари вакиллари билан учрашув ўтказилди. У Амир Темурнинг 660 йиллиги ва Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланди.

• Кеча Валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдода 1 АҚШ долларининг қиймати 48 сўм 10 тийин даражасида қайд этилди.

## ҲАМДЎСТЛИКДА

• Грузия мухторияти ҳисобланган Жанубий Осетияда шу вақтгача мазкур мухторият Олий Кенгаши раиси лавозимида ишлаб келган Людвиг Чибиров президент этиб сайланди. Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе бу сайлов қонунга зид эканлигини айтди.

• Ҳозир «Россия — Белоруссия» иттифоқига раҳбарлик қилаётган Белоруссия Президенти Александр Лукашенко бугун Россия парламентининг қуйи палатаси — Давлат думасида икки мамлакат ўртасидаги интеграцияни янада чуқурлаштириш мавзусида маъруза қилади.

• Қирғизистонга қарашли бўлган, Чимкент-Деҳли йўналиши бўйлаб парвоз қилаётган «ИЛ-76» йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Ундаги камида 350 киши ҳалок бўлган, деб ҳисобланмоқда.

• Кутаисидан 40 километр наридаги тоғ йўлида йўловчи автобуси 80 метрли жарга қулаб тушиши оқибатида 22 киши ҳалок бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда ҳайдовчи инфаркт бўлганлиги сабабли у автобусни бошқара олмай қолган.

• 16 ноябрь куни Бойқўнғир космодромидан Россия Марсга автомат мажмуасини учириш ниятида. У Қизил сайёра сатҳига 1997 йилнинг 12 сентябрида қўниши режаланган.

## ХОРИЖДА

• Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида» китобларининг тақдимоти бўлди.

• Кеча Коҳирада «Яқин Шарқ иқтисодиёти» мавзуида уч кунлик халқаро иқтисодий анжуман иш бошлади. Унда 80 дан ортиқ мамлакатларнинг ташқи ишлар ва иқтисодиёт масалалари билан шуғулланувчи вазирлари иштирок этмоқда.

• Хитойнинг валюта захиралари мамлакат бутун тарихи давомида энг кўп — 95 миллиард 360 миллион долларга етди.

• Президент томонидан истеъфога чиқарилган Покистоннинг собиқ Бош вазири Беназир Бхутто унинг ҳукуматида вазир лавозимида бўлган ва ҳозир ҳибсга олинган турмуш ўртоғини зудлик билан озод этиш юзасидан Лаҳор олий судига мурожаат этди. Маълумки, Беназир Бхутто ҳукумати коррупцияда айбланиб, истеъфога чиқарилган эди.

• Нуфузли халқаро «Аср автомобили» бирлашмаси XX асрнинг энг яхши машинаси учун танлов эълон қилди. Тўрт турдаги — оилавий, спорт, сайёҳлик ва олий даражали энг яхши автомобиллар номи халқаро ҳайъат томонидан 1999 йил декабрь ойида эълон қилинади.

• Афсонавий «чарм қўлқоп» устаси Майк Тайсон Жаҳон бокс уюшмаси томонидан АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган беллашувда Эвандер Холифилдга ютқазди. У 11-раунд бошида нокаут бўлди.

# ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ГУРУҲЛАРИ

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш республика маркази ва Германиянинг «Жисо консалт» техник ҳамкорлик фирмаси мутахассислари келишувга мувофиқ, «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими қошида тадбиркорлик ва бизнесга кириш ўқув гуруҳини очиб, машғулотларни бошлаб юбордилар. Ўқув гуруҳининг дастлабки аъзолари жамғарма туман бўлимларининг ижрочи директорлари, жамоатчилик марказларининг раислари ва талабалардан иборат бўлиб, тадбиркорлик ва маркетинг асослари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби махсус курсларни ўрганмоқдалар.

Шуни айтиш керакки, дастлабки машғулотлардаёқ ушбу ўқув гуруҳларига қизиқишнинг катта эканлиги аён бўлди. Тингловчилар ўзларининг озиқ-овқат, радиоэлектрон ва экология соҳасидаги режалари билан ўртоқлашиб, бу ғоялар бўйича қизғин фикр алмашдилар. Кейинчалик бундай курсларни туман бўлимлари ва жамоатчилик марказларида ҳам очиш режалаштирилмоқда.

*Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.*

# СИНОВ ТУРКУМИ ЖЎНАТИЛДИ

Илгари хабар берганимиздек, яқинда мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғининг йирик корхоналаридан бири Тошкент трактор заводи очиқ турдаги давлат акционерлик жамиятига айлантирилди. Корхона ишчиларининг қарорига мувофиқ акционерлик жамиятининг Низом жамғармаси давлат, жамоа мулки ҳамда «Ўзсаноатқурилиш» ва «Ўзқишлоқтаъминоттаъмир» корпорацияси маблағи ҳисобидан шакллантирилди.

Эндиликда корхона ўз акцияларини чиқаради. Унинг 37 фоизи эркин сотувда бўлиб, 15 фоизи эса энг яхши ишчиларини рағбатлантириш — яъни мукофотлаш учун йўналтирилади. Қолган қисми таъсисчиларга бўлиб берилади.

Ҳозир машинасозлар АҚШнинг таниқли компанияси билан ҳамкорликда кўп ишларни бажара оладиган ҳайдов тракторларини ҳамда пахта териш машинаси учун кўп қувватли тракторларни ишлаб чиқариш бўйича музокаралар олиб бормоқдалар.

Яқинда корхонада яна бир янгилик содир бўлди. Конвейердан дизель моторли тракторларнинг тажриба синов туркуми қишлоққа жўнатилди.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*





*Тажриба-конструкторлик бюроси юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришда ўз муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Улар ҳозирги кун талаби асосида меҳнат қилиб кичик корхоналарга мўлжалланган турли хилдаги дастгоҳлар ва линиялар ишлаб чиқаришмоқда.*

*СУРАТДА: шу корхонанинг йиғув цехи чилангари Ринат Пигматуллин (чапда); (ўнгда) 21 йилдан буён токарлик вазифасини бажариб келаётган Григорий Херсонский.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

*Обуна — 97*

# «ОҚШОМ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ





«Тошкент оқшоми» газетаси учун 1997 йилга обуна давом этмоқда. Обуна нархи уйга ёки абонент қутисига етказиб берилишига қараб қуйидагича белгиланган:

**УЙ МАНЗИЛИГА**

Бир ойга — 99 сўм
Уч ойга — 297 сўм
Олти ойга — 594 сўм
Бир йилга — 1188 сўм.

**АБОНЕНТ ҚУТИСИГА**

Бир ойга — 79 сўм
Уч ойга — 237 сўм
Олти ойга — 474 сўм
Бир йилга — 948 сўм.

**ИНДЕКС — 64690.**

**«Тошкент оқшоми»га Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади.**

